



ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

2010 йил
25 август
ЧОРШАНБА
№ 67
(12.287)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ»
УНВОННИ БЕРИШ
ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона

на меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон – «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Зияев Юсуп Мингабилович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти

Фопиров Камолдин – Шахрихон туманидаги 53-мактаб интернати директори, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри, 2010 йил 24 август.

Эргашева Патила – Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

И. КАРИМОВ.

Зияев Юсуп
МингабиловичФопиров
КамолдинЭргашева
Патила

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қурувчи ва энергетикалари

томонидан муносиб тўхфа тайёрланди. Оҳангарон сув омбори қошида кичик гидроэлектростанция ишга туширилди.

АГРАР СОҲА УЧУН ЯНГИ
ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТЛАРИ

Бу ерга ўрнатилган иккита гидроагрегатлар қуввати 21 мегаваттга ташкил қилади. Шунингдек, суткасига қарий бир миллион киловатт электр энергия ишлаб чиқаришга мўлжалланган яна бир кичик ГЭС ишга туширилиш арасида турибди. У Қашқадарь вилоятининг Хисор сув омборига қуюлувчи Оқсув дарёсидан қурилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Усувэнерго» иттифок ширкати билан бирлашмасидан маълум қилишларича, сув омборларининг гидравлик энергиясига

доир бўлган қайта тикланувчи энергия ресурсларини ўзлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ҳамда фойдаланилаётган сув хўжалиги объектларида гидроэнергетик ускуналари қуриш давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилмоқда. Бундан қўзғалган мақсад Ўзбекистондаги дарёлар, очик сув оқимлари гидроэнергетик салоҳияти ва гидротехник иншоотлардан са-

марали фойдаланишдир. Оҳангарон сув омборидаги янги энергетик объект ҳозирдаёқ 300 миллион кВт/соатдан зиёд экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарди. Унинг икки агрегати ишга туширилиши Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги энергия тизими салоҳиятини йилга 66,5 миллион кВт/соатга оширди. Қашқадарьда ГЭС асосан Шаҳрисабз, Китоб ва Яқкабгум туманларида экиладиган бошоқли ва бошқа экинларни парваришлаш даврида ишлатилади.

У.А.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юрта муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда

жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Улар орасида вилоятимиз вакилларида Байдарка ва қанозда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон тарма жамоаси аъзоси Вадим Меньков («Фидокорона хизматлари учун» ордени билан), Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидаги 16-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Хури Солиева ва Тошкент давлат аграр университетининг кафедра мудири Ботиржон Сулаймоновлар («Шуҳрат» медали билан) борлиги қувонарлиқдир. Биз уларни юксак мукофотлар билан чин дилдан табриқлаймиз.

АВГУСТ ОЙИ – ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ



БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, бу йил Чиноз туманида ҳам ғўза ривож яхши. Ҳозирги муҳим паллаларда ҳосил қўшиш борасидаги тадбирлар билан танишиш мақсадида туманга отланамиз.

– Туманимиз пахта етиштириш шартномасини бажаришда қарвонбошилардан эканлиги сир эмас, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлигининг ўринбосари Баҳодир Зуфаров. – Бу йил давлатга 19 минг 836 тонна пахта сотишни режалаштирганмиз. Лекин экиннинг ҳолатини қўриб, хирмонни 24 минг тоннага олиб чиқмоқчимиз.

Етакчилигини қўлдан бой бермаслик учун аввало, бор куч ва имкониятларни ишга солган ҳолда август ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Суғориш, култивация, ўғитлаш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарамиз. Зараркунанда ва касалликларга қарши курашни бир кун ҳам тўхтатмаймиз. Пахта йигим-терим мавсумига тайёргарлик қилиш штаби тинимсиз ишлаяпти.

Бу йил 240 та фермер хўжалиги 7422 гектар ерда «С-6524» навали пахта етиштириш штаби тинимсиз ишлаяпти. 110 миллион сўмга харид қилган «Беларус» тракторида энди бемалол ер ҳайдаш, бороналаш, чизеллаш, мола босиш ҳамда пахта териш мумкин.

– Август ойи ҳосил тўплашда муҳим палла экани рост, – фикрини давом эттиради фермер Ҳабибулла Йўлдошев. – Ҳабибулла Йўлдошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 30 гектар майдонида биринчи репродукцияли уруғлик пахта етиштирилмоқда. Утган йили ҳар гектардан 47,3 центнердан ҳосил олинган.

– Бу йил 50 центнерни қўзалаймиз, – дейди фермер ишонч билан. Унинг айтишича, «С-6524» хар томонлама мақбул нав. Толаси узун, серхосил, касалликларга чидамли, энг асосийси – шариқта мос.

2007 йили фермер «Халқ банки»нинг туман бўлимидан 25 миллион сўм кредит олиб, «МТЗ-80» чопик трактори харид қилган. Уч йилга олган қарзи 2,5 йилда ўзиди. Яқинда у яна банкка кредит сўраб мурожат қилганида улар ҳеч иккиланмай, рози бўлишди.

110 миллион сўмга харид қилган «Беларус» тракторида энди бемалол ер ҳайдаш, бороналаш, чизеллаш, мола босиш ҳамда пахта териш мумкин.

– Август ойи ҳосил тўплашда муҳим палла экани рост, – фикрини давом эттиради фермер Ҳабибулла Йўлдошев. – Ҳабибулла Йўлдошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 30 гектар майдонида биринчи репродукцияли уруғлик пахта етиштирилмоқда. Утган йили ҳар гектардан 47,3 центнердан ҳосил олинган.

Ҳабибулла Йўлдошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 30 гектар майдонида биринчи репродукцияли уруғлик пахта етиштирилмоқда. Утган йили ҳар гектардан 47,3 центнердан ҳосил олинган.

– Бу йил 50 центнерни қўзалаймиз, – дейди фермер ишонч билан. Унинг айтишича, «С-6524» хар томонлама мақбул нав. Толаси узун, серхосил, касалликларга чидамли, энг асосийси – шариқта мос.

2007 йили фермер «Халқ банки»нинг туман бўлимидан 25 миллион сўм кредит олиб, «МТЗ-80» чопик трактори харид қилган. Уч йилга олган қарзи 2,5 йилда ўзиди. Яқинда у яна банкка кредит сўраб мурожат қилганида улар ҳеч иккиланмай, рози бўлишди.

110 миллион сўмга харид қилган «Беларус» тракторида энди бемалол ер ҳайдаш, бороналаш, чизеллаш, мола босиш ҳамда пахта териш мумкин.

– Август ойи ҳосил тўплашда муҳим палла экани рост, – фикрини давом эттиради фермер Ҳабибулла Йўлдошев. – Ҳабибулла Йўлдошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 30 гектар майдонида биринчи репродукцияли уруғлик пахта етиштирилмоқда. Утган йили ҳар гектардан 47,3 центнердан ҳосил олинган.

Ҳабибулла Йўлдошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 30 гектар майдонида биринчи репродукцияли уруғлик пахта етиштирилмоқда. Утган йили ҳар гектардан 47,3 центнердан ҳосил олинган.

Ҳабибулла Йўлдошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 30 гектар майдонида биринчи репродукцияли уруғлик пахта етиштирилмоқда. Утган йили ҳар гектардан 47,3 центнердан ҳосил олинган.

Ҳабибулла Йўлдошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг 30 гектар майдонида биринчи репродукцияли уруғлик пахта етиштирилмоқда. Утган йили ҳар гектардан 47,3 центнердан ҳосил олинган.

мер. – Чунки ҳосил тақдирини шу ойда ҳал бўлади. Ғўза оралаш унун далага бир кунда уч марта қираман. Эрталаб бўлун нима ишлар қилиш, қимга қандай топшириқ бериш зарурлиги аниқ бўлади. Қоқ пешинда эса, ғўза ўзига нима кераклигини айтиб туради. Кечқурун эса, қилинган ишларни қўриб, эртанги кунга режа тузиш имкони туғилади.

Яна бир гап. Пахта 90 фоиз очилганида теримга тушамиз. Чунки шу пайтда уруғ тўлиқ етилади. Биринчи теримдан сўнг дефоляция қилинади. Бу паллада сув берилса, ғўзанинг энг тепасидаги қўсақлар етлади.

Фермернинг нияти – режани ҳафта-ун кунда бажариш. Теримчилар учун ётоқ жойлари, дам олиш, ювиниш хоналари ҳозирданроқ тахт қилиб қўйилган шундан.


Яна бир заминдор Абдуғафур Ақромов далаларини қўрган кишининг дили яйрайди. Кенг пахтазорни кесиб ўтган йўлнинг ҳар икки тарафиди экинзорлар ҳавасиниғизни келтиради. Фермер 83 гектар ерда пахта етиштиряпти.

Ҳўжаликда иш билан машғул бўлган 40 нафар деҳқон унумли меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Дала шайпониди уч маҳал иссиқ оқват тайёрлагани. Тушлик пайтида меҳнатқашлар мириқиб хордиқ чиқарадилар.


Хурида НАЗАРОВА.

СУРАТДА: (ўртада) фермер Ҳабибулла Йўлдошев хўжалик аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВАДИМ МЕНЬКОВ – ИККИ
КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Каноечи Вадим Меньков жаҳон чемпионатида олтин ва бронза медални қўлга киритиб, мустақиллигимизнинг 19 йиллигига муносиб совға ҳозирлади



...1987 йилда туғилган Вадим Меньков дунёнинг энг кучли каноечиларидан. У халқаро майдондаги да-

слабки салмоқли ютуғига 2006 йилда Каттарнинг Доха шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларидаги галабаси билан эришган. Уша йили Польшада жаҳон кубоги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади. Кейинчалик Осиё чемпионатида шохсупининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Истеъдодли спортчимиз Пекинда ўтказилган Олимпиадада 1000 метрлик беллашуларда тўртинчи ўринга кўтарилди ва осиёлик эшак эшувчилар ўртасида энг юқори натижани қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августда эълон қилинган «Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони асосан Вадим Меньков «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Моҳир спортчимиз учун 2009 йилги спорт мавсуми ҳам жуда самарали бўлди. Таниқли мураббий Алек-

сандр Пономарёв раҳбарлигида шуғулланган В. Меньков жаҳон кубогининг Рачице (Чехия) ва Познань (Польша), Сегед (Венгрия) шаҳарларида ўтказилган уч босқичда битта олтин ва иккита кумуш медали қўлга киритди. Канаданинг Дартмут шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида қанозда 1000 метрга эшак эшиш бўйича голиб чиқди. Унинг бундай юксак натижаларини инобатга олган Халқаро каное федерацияси В. Меньковни дунёнинг 2009 йилдаги «Энг яхши каноечиси», деб эълон қилди.

Вадим жаҳон кубогининг Франция, Венгрия ва Германияда ўтказилган босқичларида бир жўфт олтин ва битта кумуш медали қўлга киритди. Мазкур мусобақалар ҳамюртимиз учун Польшадаги жаҳон чемпионатида тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилди.

Жаҳон спортда юқори чўққиларни забт этиб келатган 23 ёшли В. Меньков 2012 йили Лондонда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларида голиб чиқиши ҳам мақсад қилинган.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
У.А. шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТҚАЗИЛГАН «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

1. Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича
1-ўрин:
Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ шоири – "Кўнглим китоби" сайланма асарлар тўплами учун

2-ўрин:
Матназар Абдилҳакимов, Хоразм Маъмун академияси илмий ходими – "Мангулик жамоли" ва "Илм сарчашмалари" китоблари учун

3-ўрин:
Янгибой Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси – "Ўн тўққизинчи доғон" дostonи учун

Рағбатлантирувчи мукофот
1. Нилуфар Умарова – Қашқадарё вилояти Қарши педагогика коллежидан ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

2. Малик Эгамов – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича

1-ўрин:
Хусниддин Бердиев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Махаллий ахборот тахририяти бош муҳаррири ўринбосари – Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавзулардаги туркум мақолалари учун

2-ўрин:
Жуманазар Меликулов,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси – Маънавий-маърифий мавзудаги мақолалари учун

3-ўрин:
Хусан Темиров, "Кишлоқ ҳаёти" газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири – Вилоятдаги иқтисодий ислохотларга ҳамда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган материаллари учун

Рағбатлантирувчи мукофот
1. Рисликхон Мажнунова – "Наманган ҳақиқати" газетасининг бўлими мудири

2. Хуршидбек Рўзиев – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот бўлими инспектори

3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича

1-ўрин:
Маъруф Хасанов, ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти режиссёр-оператори – "Белбоғ" фильми ҳамда "Заргар" ва "Кулол" кўрсатувлари учун

2-ўрин:
"Самарқанд-СТВ" телевизион ижодий уюшмаси – "Бу – меннинг шахрим" туркумидаги ижтимоий телероликлари учун

3-ўрин:

Тошкент вилоятида фермерларга хизмат кўрсатувчи ахборот-ресурс маркази иш бошлади. Қишлоқ мулкдорларининг даромадини ошириш, уларда техникадан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ — ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан фермерларни қонунлар, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, сиёсий, иқтисодий соҳадаги янгилликлар, хориждаги қишлоқ хўжалигига оид илгор тажрибалар билан таништириш мақсадида ҳудудларда ахборот-ресурс марказлари ташкил этилаётди.

Бундай марказлар фермерларга тадбиркорликни, экология масалалари, агротехника методологияси ва соҳага оид бошқа билимларни ўргатади. Шунингдек, интернет, коммуникация, компьютер ҳамда ҳужжатларни тайёрлаш каби хизматларни кўрсатади.

– Ҳозирги кунда Фарғона, Қашқадарё ва Хоразм

вилоятларида ана шундай марказлар ишлаб турибди, – дейди Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш лойиҳасининг бош менежери Қувондиқ Хотамов. – Марказлар замонавий жиҳозлар ва мебоеллар билан таъминланган. Компьютерлар интернетга уланган. Фермерлар учун ахборот-маслаҳат хизматлари бепул. Марказларда фермерларни қизиқтирган мавзуларга оид семинарлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Жорий йил охирига қадар Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам ана шундай марказлар ташкил этилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири.

МАҚТАШГА АРЗИГУЛИК ИШЛАРИМИЗ КЎП

Партиялар – мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутади. Уларнинг жамиятни ривожлантириб, тараққиётни барқарорлаштиришда ёшлар ҳиссасини оширишдаги ишлари устувор аҳамиятга эга.

«Адолат» СДП вилоят кенгаши ва унинг қошидаги «Ёш адолатчилар» фаолияти ҳисоботида бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда партия аъзолари, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларидан вакиллар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конференцияда партия сайловолди дастурларидаги аниқ ва мақсадли чоралар тадбирлар юзасидан маърузалар тингланб, эришилётган ютуқлар билан бир қаторда муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Ўз навбатида уларни бартараф этиш бўйича тақдирлар киритилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидландики, ўтган олти ойда партия томонидан қонунлар, фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатларига доир тарғибот-ташвиқот, ёшлар ва аёлларнинг сиёсий билимларини ошириб, жамиятдаги фаолликларини янада кенгайтириш ва маънавий-маърифат масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Бука, Оққўрғон, Бўстонлик туманлари мактаб-интернатлари ва меҳрибонлик уйларида бўлиб ўтган хайрли тадбирлар, Ангрэн шаҳрида ўтказилган «Эга-

си бор юртининг – эртаси бор» мавзудаги маданий-маърифий кеча, Қиёдада уюштирилган "Биз – юрт таянчимиз" каби давра суҳбатлари шулар жумласидан.

Айни пайтда Барқамол авлод йили муносабати билан ёшларга ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўйбоғ чиқаришга кўмаклашиш мақсадида "Ёш инноватор – ислохотларга кўмакдош" кўрик-танлови эълон қилинди. Шунингдек, ёшларнинг ўз мутахассисликлари бўйича иш таъсисларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Оққўрғонда бўлиб ўтган "Туманда ёшларга ушган жойлар муҳайё" ярмаркасида 40 га яқин корхона ва ташкилот 680 бўш иш ўринларини тақдир этди. Унда иштирок этган касб-хунар коллежи битирувчиларидан 200 га яқини ишга бўлди.

Айтиш керакки, тадбирларни ташкил этишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, Қизил Ярим ой жамияти, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмаси каби 20 га яқин ҳамкор ташкилотлар ёрдам бермоқда.

Ирода НОҒОБОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

БАРҚ УРАЁТГАН НИҲОЛЛАР

"Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятида қасаначиликка ўзига хос тажриба тўпланди. Дастлабки йили 40 қасаначи 700 минг сўмдан қарз берилиб, уларга чорвалчилик билан шугулланиш учун шарт-шароитлар яратилди. Натижа ёмон бўлмади.

Корхонага қарашли охиона сифатли ва арзон гўшт билан таъминлана бошланди. Шунингдек, бир қатор қасаначилар корхона ишчилари учун зарур қўлқоплар тикиш билан шугуллана бошладилар. Пойабзал тасмирлаш, бадиий безатиш ҳам қасаначилар зиммасида

бўлиб, улар доимий иш билан таъминланиб, рўзгорларига барака кирди. Оҳангарон шаҳрининг 4-кичиқ мавзесида ҳар йили баҳорда юзлаб тул қўнлар экиларди-ю, аммо чилланг жазирасида сувсизликдан қуриб қоларди. Дов-дархатларга қараш ҳам корхонанинг

қасаначилари зиммасига юклатилди. Натижада бугун 4-кичиқ мавзедан икки мингдан зиёд арча ва терак қўнларига барқ уриб ўсмакда.

Ҳозир 20 қасаначи чорвалчилик билан шугулланмоқда. Уларга ёш буюқларни тарқатилади. Қасаначилар уларни етилтириб, корхона ишчи-хизматчиларига сифатли гўшт етказиб беришади.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
"Оҳангароншифер" акциядорлик жамияти қасаба кўмитаси раиси.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ КЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

шундай шундан ва фараҳбахт қўнларда мамлакатимиз халқини буюк шодийга —

Мустақилликнинг

19 йиллик байрами

билан чин қалбдан табрикланди.

Барчанинг оиласига тинчлик, бахт-саодат ва азиз

дидарини раҳмат, фаровонлиги ҳамда

қўлаб-қўллаш тўғрисида амалга оширилатган ишларда

муваффақиятлар тиланди.

Жаннатмакон юртимизнинг осмони тинч, ойна-замини

серғисин, сувлари зилол бўласин!

Буюк табиат ўзининг бетакдор инъомлари билан

қўн тиллар даволида инсониятга хизмат қилаверсин!

Кўмитамиз ходимларининг табиатни

аераб-авайлаш ҳамда уни келажак

авлодлари гўзал ва тўғуси ҳолда қолдириш тўғрисида

сасди-ҳаракатларида ушган зафарлар ёр бўласин!



ИСЛОҲОТ

МУҚОБИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИ АМАЛДА

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотлар натижасида суд-ҳуқуқ тизимида бир қатор ижобий янгилликлар юз берди. Ҳужалик ишлари бўйича низоларнинг ҳақамлик судларида қўриб чиқиладигани шундай ижобий ўзгаришлардан бири дейиш мумкин.

Мамлакатимиз 1995 йилда БМТнинг "Чет эл арбитраж қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақида"ги 1958 йилги Нью-Йорк конвенциясига қўшилди. Ҳозир 142 та давлат ушбу конвенция аъзоси ҳисобланади. Бу конвенция арбитраж, яъни ҳақамлик судлари қарорларини давлатлар ўзаро тан олишларини белгилайди.

Кейинчалик Ўзбекистонда "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, 2007 йил 1 январдан қўнға кирди. Ушбу Қонун асосида 2009 йил май ойида Ўзбекистон Ҳақамлик судлари ассоциацияси (ЎАҲСА) ташкил этилиб, 2010 йилдан барча туманларда Ҳақамлик судлари ўз фаолиятини бошлади. Ҳақамлик суди нодавлат нотижорат суд бўлиб, унинг асосий вазифаси фуқаролар ва тадбиркорларга ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳақамлик суди нафақат ҳужалик ишлари, балки фуқаролик ишларини ҳам қўриб чиқиб, ҳал этади. У юридик шахсларга оид ҳужалик низолари қаторида фуқаролар ўртасидаги қарз олди-бердиси оид низоларни ҳам қўриб чиқади. Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, ёзма тилхат бор ёки йўқлигини қатъий назар ҳақамлик суди низоларни қўриб, қонуний қарор қабул қилади.

Ҳақамлик судида ишлар тезкорлик билан ҳал қилинади. Чунки бу судда фақат битта инстанция назарда тутилган бўлиб, бошқа судлар каби апелляция, кассация, назорат инстанциялари мавжуд эмас, ҳақамлик судининг қарори яқиний ҳисобланади.

Асосий мақсад тарафларнинг келишувига йўналтирилади ҳамда тарафлар ўртасидаги ҳамкорлик сақлаб

қолинади, биринчи ўринда тарафларни муроасага келтириш йўллари изланади. Улар кейинчалик ҳам ҳамкорлик қилишларини қўлаб, орала-ридаги муносабатлар бузилмаслиги учун ҳаракат қилинади.

Ҳақамлик муҳокамасининг махфийлиги қонун билан кафолатланади. Иш ёпиқ мажлисда қўриб чиқилади, бу тарафлар ўртасида низо мавжудлиги, шунингдек, низоининг бирор-бир ўзига хос томонлари ошқор қилинмаслигини, тижорат сири сақланишини таъминлайди. Масалан, кимдир қўни қўннидан, кимдир ишдаги ҳамкорларидан бировни судга берганини яшириб қилиши мумкин. Бошқа кимдир уни иши судда қўрилатганини бошқалар билмаслигини хоҳлайди. Шундан келиб чиқиб, ҳақамлик судида фақат суд таркиби ва низолашадиган томонлар қатнашади, суд муҳокамасида прокурор иштирок этмайди.

Томонлар жинорий ва маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Масалан, муддатни ўтган дебиторлик ва кредитдорлик қарзлар учун маъмурий ва жинорий жавобгарлик назарда тутилган, фуқаролик ва ҳужалик судлари шундай ҳолатларни аниқлашларида қўнға кўра жинорий иш қўзғатиш масаласини қўриб чиқишлари шарт.

Ҳақамлик суди эса томонлар фаолиятида камчиликлар аниқланган тақдирда ҳам жинорий ва маъмурий жавобгарликка тортишга ҳаққонли эмас.

Ҳақамлик судининг ҳал қилив қарори қабул қилинган кундан бошлаб қўнға қиради. Масалан, фуқаролик ва ҳужалик судлари ҳал қилив қарорлари 20 кундан кейин қўнға қиради, агар шу муддат ичида апелляция шикоятини берилса, апелляция муҳокамаси яқунланган.

Мухаммадали ЭШНАЗАРОВ.
Тошкент шаҳар Ҳақамлик суди ҳуқуқий тарғибот бўлими бошлиғи.

ШУКРОНА

ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Вилоят маҳаллаларида энг азиз, энг улуғ байрам – Мустақиллик кўни арафасида қатор тадбирлар, маданий-маърифий кечалар уюштирилмоқда.

Зангиота туманида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори остидаги тадбирлар доирасида машҳур санъаткорлар, фан ва маданият арбоблари билан учрашув ўтказилди.

Туман маҳалла фаоллари, зиёли ва ёшлар қатнашган тадбирда мустақиллиқни улуғловчи куй-қўшиқлар янгради. Олим ва адабиётшунослар мустақиллик энг олий неъмат эканлиги, юртимиздаги улкан ижобий ўзгаришлар айнан мустақиллик шарофати билан амалга оширилатганини ҳаётини мисоллар ёрдамида тушунтириб беришди.

Саид АСКАРОВ.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА



КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИ – МЕҲР

Ўртачирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлимида ёш оналар учун хайрия талбири ўтказилди. ЎзЛиДеП туман кенгаши вакиллари кам таъминланган оила намоёндаларига совғалар топширишди.

– Чақалоқ дунёга келган пайтда оилада унинг парварishi учун бир қанча нарсалар керак бўлади, – дейди туман партия кенгаши раиси Қаромат Расулова. – Бугун чақалоқни парварishi учун зарур буюмларни совға қилдик. Ёш оналарни шундай пайтда моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Туғуруқхона 75 ўринли бўлиб, ёш ва бўлажак оналар учун барча шароитлар муҳайё.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

СУРАТДА: болалар шифокори Венера Билалова ёш она Мунира Ҳошимовага чақалоқ парварishiга оид маслаҳатлар бермоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

